


X. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Хизматлар соҳасида 66,2 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,8 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган)
бозор хизматларнинг ҳажми**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
Хизматлар – жами	37111,2	108,1	100
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	3324,9	117,6	9,0
молиявий хизматлар	11523,5	134,4	31,0
транспорт хизматлари	3619,6	88,2	9,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	2272,1	98,7	6,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	1232,8	81,2	3,3
савдо хизматлари	9601,4	103,4	25,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	1406,8	95,2	3,8
таълим соҳасидаги хизматлар	1588,7	111,7	4,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	623,5	86,7	1,7
ижара хизматлари	569,5	94,8	1,5
компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	186,7	96,7	0,5
шахсий хизматлар	394,7	89,1	1,1
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1144,0	98,9	3,1
бошқа хизматлар	1895,1	84,5	5,1

Хизматлар таркибида энг катта улушни молиявий хизматлар (31,0 %), савдо хизматлари (25,9 %), транспорт хизматлари (9,7 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (9,0 %)

ташкыл этади. Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бүйича хизматлар (0,5 %) ҳамда шахсий хизматлар (1,1 %) әгаллади.

Иқтисодий фаолият турлари бүйича хизматлар таркиби, фоизда (2020 йил январь–июнь ойлари)



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 25,9 % энг юқори улушни ташкыл этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибидаги улгуржи савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкыл этади – 49,2 %.




**Туманлар кесимида савдо хизматларнинг ҳажми
(2020 йил январь-июнь ойлари)**

	Жами		
	млрд. сўм	2019 йил январь-июнга нисбатан, %	Савдо хизматлари ҳажсимида туманларнинг улуши, %
Тошкент шаҳри	9601,4	103,4	100
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	647,8	105,2	6,7
Мирзо Улугбек	979,7	121,7	10,2
Миробод	840,7	87,6	8,8
Олмазор	796,6	103,0	8,3
Сергели	709,7	109,4	7,4
Учтепа	795,6	100,6	8,3
Чилонзор	1485,3	112,6	15,5
Шайхонтоҳур	1050,8	142,4	11,0
Юнусобод	876,6	104,4	9,1
Яккасарой	749,1	77,1	7,8
Яшнобод	645,5	84,2	6,7
Тумандан ташқари	24,0	42,8	0,2

Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Шайхонтоҳур (142,4%), Мирзо Улуғбек (121,7 %), Чилонзор (112,6%), Сергели (109,4 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Яккасарой (77,1 %), Яшнобод (84,2 %), ва Миробод (87,6 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуси, фоизда (2020 йил январь–июнь ойлари)




Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган Чилонзор (15,5 %), Шайхонтоҳур (10,9 %), Мирзо Улуғбек (10,2 %), Юнусобод (9,1 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улушга Бектемир (6,7 %), Яшнобод (6,1 %) туманларида қайд этилди.

Туманлар бўйича савдо хизматларнинг ҳажми, млрд. сўмда

(2020 йил январь–июнь ойлари)



Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича юқори ҳажмга эга бўлган Чилонзор (1485,3 млрд. сўм), Шайхонтохур (1050,8 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек (979,7 млрд. сўм), Юнусобод (876,6 млрд. сўм) ва Миробод (840,7 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ҳажмга Яшнобод (645,5 млрд. сўм), Бектемир (647,8 млрд. сўм), Сергели (709,7 млрд. сўм) ва Яккасарой (749,1 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

**Транспорт хизматларининг таркиби, фоизда
(2020 йил январь–июнь ойлари)**



Хизматлар таркибидаги транспорт хизматлари – 9,8 % улуш билан етакчилар қаторини эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибидаги автомобиль транспортининг улуси 62,8 % билан устунликка эга.


Туманлар кесимида транспорт хизматларнинг ҳажми

	Жами		
	млрд. сўм	2019 йил январь-июнга нисбатан, %	Транспорт хизматлар ҳажмида туманларнинг улуши, %
Тошкент шаҳри	3 619,6	88,2	100
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	251,7	184,2	6,9
Мирзо Улугбек	325,1	89,2	9,0
Миробод	530,6	92,8	14,7
Олмазор	244,8	97,2	6,8
Сергели	469,8	47,4	13,0
Учтепа	277,4	87,6	7,7
Чилонзор	312,4	101,8	8,6
Шайхонтоҳур	322,8	93,6	8,9
Юнусобод	366,2	108,3	10,1
Яккасарой	171,3	94,8	4,7
Яшнобод	347,5	116,3	9,6

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юкори ўсиш суръатлари Бектемир (184,2 %), Яшнобод (116,3 %), Юнусобод (108,3 %), Чилонзор (101,8 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юкори бўлмаган ўсиш суръатлари Сергели (47,4 %), Учтепа (87,6 %) ва Мирзо Улугбек (89,2 %) туманларида қайд этилди.

**Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуси, фоизда
(2020 йил январь–июнь ойлари)**




Туманлар кесимида транспорт хизматлари бўйича энг юқори улуш Миробод (14,7 %), Сергели (13,0%), Юнусобод (10,1%) ва Яшнобод (9,6%) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Бектемир (4,7 %), Олмазор (6,8 %) ва Бектемир (6,9 %) туманларида қайд этилди.

**Туманлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларнинг ҳажми**

	Жами		
	млрд. сўм	2019 йил январь-июнга нисбатан, %	Алоқа ва ахборотлаштириши хизматлар ҳажмида туманларнинг улуши, %
Тошкент шахри	3324,9	117,6	100
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	4,5	246,2	0,1
Мирзо Улугбек	241,7	150,0	7,3
Миробод	623,3	105,4	18,7
Олмазор	132,2	330,4	4,0
Сергели	7,3	90,4	0,2
Учтепа	36,4	99,7	1,1
Чилонзор	136,4	95,5	4,1
Шайхонтохур	242,0	134,7	7,3
Юнусобод	1516,2	125,0	45,6
Яккасарой	234,4	81,9	7,1
Яшнобод	150,5	90,9	4,5

**Тошкент шаҳрида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-июн ойлари)**




Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қиласи. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳукуки муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишини изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2020 йил январь-июн ойларида Тошкент шаҳри бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 3324,9 млрд. сўмга teng бўлди. 2019 йил январь-июн ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши суръати 117,6 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмидаги энг катта улуш (64,4 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.к.) ҳиссасига тўғри келади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, фоизда
(2020 йил январь–июнь ойлари учун)



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишининг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.


Туманлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Олмазор (3,3 м), Бектемир (2,5 м), Мирзо Улуғбек (150,0 %), Шайхонтоҳур (134,7%), Юнусобод (125,0) ва Миробод (105,4 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Яккасарой (81,9 %), Сергели (90,4 %) ва Яшнобод (90,9 %) туманларида қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларнинг умумий ҳажмида

туманларнинг улуши, фоизда

(2020 йил январь-июнь ойлари)




Туманлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича юқори улуш Юнусобод (45,6 %), Миробод (18,7 %), Мирзо Улугбек (7,3 %), Шайхонтохур (7,3 %) ва Яккасарой (7,1 %) туманларида қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Олмазор (4,0 %), Учтепа (1,1 %), Сергели (0,2 %) ва Бектемир (0,1 %) туманларида қайд этилди.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Ташкент шаҳрида ўтган йилнинг мос даврларига нисбатан молиявий
хизматларнинг ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь–июнь ойлари)**



Натижада, 2020 йил январь–июнь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 11523,5 млрд. сўмга тенг бўлди, ўсиш 134,4 % ни ташкил этди.

**Молиявий хизматларнинг таркиби, фоизда
(2020 йил январь–июнь ойлари)**



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (90,7 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 4,9 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 4,4 % ни ташкил этди.

**Худудлар кесимида молиявий
хизматларнинг ҳажми**

	Жами		
	млрд. сўм	2019 йил январь-июнга нисбатан, %	Молиявий хизматлар ҳажмида туманларнинг улуши, %
Тошкент шаҳри	11 523,5	134,4	100
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	2,4	86,2	0,0
Мирзо Улугбек	1 017,4	144,2	8,8
Миробод	3 008,5	137,6	26,1
Олмазор	23,5	163,4	0,2
Сергели	9,3	38,5	0,1
Учтепа	126,8	162,7	1,1
Чилонзор	1 167,3	155,0	10,1
Шайхонтохур	898,7	101,0	7,8
Юнусобод	2 350,3	122,0	20,4
Яккасарой	114,4	104,5	1,0
Яшнобод	2 650,7	151,0	23,0
Тумандан ташқари	154,2	112,6	1,4


Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар

2019 йил январь–июн ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларининг ўсиш суръати 81,2 % ни, ҳажми эса 1232,8 млрд. сўмга етди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмида озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича хизматлар улуши 77,3 % билан устунлик қиласди. Яшаш бўйича хизматлар улуши 22,7 % ни ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмини таққослаш, млрд.сўм

(2020 йил январь–июн ойларида)



Яшаш ва овқатланиш хизматлари бўйича энг катта ҳажм Юнусобод туманида 198,5 млрд. сўм қайд этилди. Энг кичик ҳажм эса Бектемир туманида 14,8 млрд. сўм кузатилди .

**Туманлар кесимида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор
хизматларнинг ҳажми**


	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2019 йил январь- июнга нисбатан, %	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2019 йил январь- июнга нисбатан, %

Тошкент шаҳри	37 111,2	108,1	100	14 288,9	105,1
----------------------	-----------------	--------------	------------	-----------------	--------------

туманлар:

Бектемир	1 118,5	107,8	3,0	31 970,9	126,4
Мирзо Уlugбек	3 763,0	111,3	10,1	13 560,9	111,4
Миробод	6 056,1	111,3	16,3	43 483,3	131,3
Олмазор	2 092,8	104,5	5,6	5 680,8	122,7
Сергели	1 548,3	74,0	4,2	7 712,8	71,7
Учтепа	1 718,7	100,2	4,6	6 283,2	111,9
Чилонзор	4 124,8	126,0	11,1	16 465,9	127,4
Шайхонтохур	3 627,9	107,8	9,8	10 589,5	106,5
Юнусобод	6 417,4	110,6	17,3	18 670,5	117,5
Яккасарой	2 197,6	83,7	5,9	18 412,5	114,4
Яшнобод	4 267,7	121,7	11,5	17 308,9	130,5
Туманлардан ташқари	178,4	92,3	0,6	-	-


**Тошкент шаҳри бўйича хизматларнинг умумий
ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда
(2020 йил январь–июнь ойлари учун)**



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Олмазор (5,6 %), Учтепа (4,6 %), Сергели (4,2 %), ва Бектемир (3,0 %) туманлари эгаллайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори қўрсаткич Миробод туманида – 43,5 млн. сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 131,3 % ни ташкил этди.

**Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь–июн ойлари учун)**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Олмазор (2702,2 млн. сўм), Учтепа (3017,4 млн. сўм), Сергели (4150,9 млн. сўм) туманларида кузатилди.

Туманлар ўртасида юқори ўсиш суръатлари Чилонзор (123,4 %), Олмазор (119,9 %), Яшнобод (117,8 %) туманларида кузатилди.

Туманлар ўртасида паст ўсиш суръатлари Шайхонтохур (105,3 %), Яккасарой (92,6 %), Сергели (84,0 %) туманларида кузатилди.